

«Рўйхатга олинган»

“Ўзбекистон Мудофаа саноатини
ривожлантириш Ассоциацияси”
Уюшмаси Таъсисчиларининг 2026 йил
06 апрелдаги «1»-сон қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

ЎЗБЕКИСТОН МУДОФАА САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АССОЦИАЦИЯСИ УСТАВИ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1-МОДДА. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ўзбекистон Мудофаа саноатини ривожлантириш Ассоциацияси (кейинги ўринларда – Уюшма) нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланади.

Уюшма фойда олишни асосий мақсад қилиб қўймайди ва олинган даромадлар аъзолар ўртасида тақсимланмайди.

Уюшма давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Уюшма мустақил баланс, асосий ва айланма воситалар, мол-мулк, алоҳида банк ҳисоб рақамлари, шу жумладан миллий ва хорижий валюта ҳисоб рақамларига эга бўлади. Уюшма ўз номи ёзилган муҳр, штамп, фирма бланкалари ва рамзий белгиларга эга бўлиши мумкин. Уюшма қонунчиликка мувофиқ филиаллар ва ваколатхоналар ташкил этиши мумкин.

Уюшма ўз фаолиятини мустақил равишда амалга оширади ва давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлардан ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан мустақил ҳисобланади, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно. Уюшма ўз номидан мулкӣ ва номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиши мумкин.

Уюшма ўз аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш, уставида белгиланган мақсадларга эришиш учун биргаликдаги фаолият асосида ташкил этилган.

Уюшма ўз мол-мулки ва мажбуриятлари бўйича мустақил жавобгар ҳисобланади. Аъзолар Уюшманинг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас, худди шунингдек Уюшма ҳам аъзолар мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас.

Уюшманинг барча аъзолари ўз мустақиллигини ҳамда юридик шахс мақомини сақлаб қоладилар. Уюшма ўз фаолиятини аъзолар ихтиёрийлиги ва тенг ҳуқуқлиги асосида амалга оширади.

Фаолиятнинг асосий принциплари:

Миллий манфаатлар устуворлиги – ҳар бир қарорда давлат ва миллат манфаати биринчи ўринда туради;

Технологик суверенитет – стратегик технологияларда хорижий боғлиқликни минималлаштириш;

Инновацион ривожланиш – илм-фан ютуқларини тижоратлаштириш;

Саноат ҳамкорлиги – ягона занжирда ишлаш, рақобат эмас, ҳамкорлик;

Корпоратив бошқарув стандартлари – шаффофлик, ҳисобдорлик, этика;

Фаол хавфсизлик режими – барча маълумот ва технологияларни ҳимоя қилиш.

Уюшманинг тўлиқ расмий номи:

Уюшманинг ўзбек тилидаги расмий номи:

Тўлиқ номи – “Ўзбекистон Мудофаа саноатини ривожлантириш Ассоциацияси”.

Қисқартирилган номи – “ЎзМСР” Уюшмаси.

Рус тилидаги номи:

Тўлиқ номи – “Ассоциация развития оборонной промышленности Узбекистана”.

Қисқартирилган номи – Ассоциация «РОПУз».

Инглиз тилидаги номи:

Тўлиқ номи – “Association for the Development of the Defense Industry of Uzbekistan”.

Қисқартирилган номи — Association «DDIUz».

Уюшманинг фаолият муддати чекланмаган.

Уюшма фаолияти Уставига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида олиб боради.

Уюшманинг манзили (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтахур тумани, Фуркат кўчаси, 1/1-уй.

1.2-МОДДА. Фаолиятнинг ҳуқуқий асослари

Уюшма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни, Фуқаролик кодекси, Таъсис шартномаси ва мазкур Устав асосида фаолият юритади.

Уюшма фаолияти қуйидаги соҳаларни қамраб олади:

Мудофаа саноати ҳамкорлиги – вертикал ва горизонтал занжирлар;

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (R&D);

Импорт ўрнини босиш дастурлари – маҳаллийлаштириш стратегияси;

Экспортни ривожлантириш – Марказий Осиё, МДХ, Африка ва Европа бозорлари;

Технологик локализация – икки мақсадли технологиялар;

Давлат органлари ва хусусий сектор ўртасидаги шериклик механизмлари.

Уюшма ўз фаолиятида қонунийлик, очиқлик, ҳисобдорлик, манфаатлар мувозанати ва миллий хавфсизлик талабларига қатъий риоя қилади.

Махфий маълумотлар билан ишлаш амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

1.3-МОДДА. Қуйидаги юридик шахслар Уюшманинг таъсисчилари ҳисобланади:

- “Electronic Autonomous Solutions” масъулияти чекланган жамияти.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 19.10.2022 йилда 2038268-сон билан давлат рўйхатига олинган.

Манзил: Тошкент шаҳар, Янгихаёт тумани, Янги Гулзор МФЙ, Гулзор 3-тор кўчаси 49-уй.

Х/р: 2020 8000 8055 7856 2001 UZ, ЎзСҚБ АТБ Бош офиси, МФО: 00440, ИНН: 309952984, телефон: +99877-358-79 71, почта: info@eascompany.uz

- “AXION” масъулияти чекланган жамияти.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 17.09.2025 йилда 2947605-сон билан давлат рўйхатига олинган.

Манзил: Тошкент шаҳар, Яшнаобод тумани, Беҳизор МФЙ, Маърифат кўчаси, 98-уй.

Х/р: 20208000507313588001, банк: ЎзСаноат қурилиш банки Лабзак БХМ, МФО: 00440, ИНН: 312439370, телефон: +99899 803 09 60.

“Автотракторрадиатор” КК масъулияти чекланган жамияти.

Қашқдарё вилояти, Қарши шаҳри Давлат хизматлари маркази томонидан 2015 йил 14 октябрда 7647-сон билан давлат рўйхатига олинган. Манзил: Қашқдарё вилояти, Қарши шаҳри, Бешкент йули 3 км, 182 А уй, Х/р: 2021 4000 7046 6985 8001, банк: “Ўз миллий банк” АЖ Қашқдарё вилояти. Бош бошкармаси, банк коди: 00450, ОКЭД: 29320, ИНН: 206945064.

1.4-МОДДА. Уюшма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Қонунчиликда белгиланган тартибда шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномаларини тузиш;

Уюшма фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларни ишлаб чиқиш мақсадида маҳаллий мутахассисларни чет элга хизмат сафарларига юбориш ва хорижий мутахассисларни таклиф этиш;

Шартномалар асосида банк кредитларидан фойдаланиш ва улар бўйича ўз мулки билан жавоб бериш, шунингдек банкларга фоиз эвазига маблағ жойлаштириш (депозит сертификатлари);

Давлат органларидан ва хўжалик юритиш ташкилотларидан ўзининг фаолиятига доир хабар, ахборот ва маълумотлар олиш ҳамда ўз аъзолари эътиборига етказиш;

Қонунчиликка мувофиқ ўз Устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Уюшма ўз мустақил электрон сайтига, ижтимоий тармоқлардаги канал ва платформаларига эга бўлади.

Уюшма фуқаролик қонунчилигига мувофиқ жамоат фонди ёки бошқа турдаги ННТни таъсис этиши мумкин.

Уюшма Уставда белгиланган мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Уюшманинг мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига, шунингдек ушбу Уставда ва бошқа таъсис ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларга риоя этиш.

Рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этиб бориш.

1.5-МОДДА. Уюшмада ҳужжатларни юритиш ва сақлаш

Уюшма жойлашган бинода ҳужжатлар юритилади ва сақланади, шу жумладан:

Уюшма таъсис ҳужжатлари, шунингдек Уюшманинг ички муносабатларини тартибга солувчи бошқа норматив ҳужжатлар, таъсис ҳужжатларига киритилган ва тасдиқланган ўзгартириш ва қўшимчалар;

Қонунчиликда назарда тутилган бухгалтерлик ҳужжатлари;

Таъсисчилар умумий йиғилишининг баённомалари;

Уюшма номидан ишонч қоғозига эга ходимларнинг рўйхати;
Уюшманинг барча ходимлари рўйхати;
Уюшма фаолиятининг статистик кўрсаткичлари;
Аудиторнинг ва давлат молия назорати органининг хулосалари.

2-БОБ. МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

2.1-МОДДА. Асосий стратегик мақсад

Уюшманинг асосий мақсади – Мудофаа саноати субъектларини ягона иқтисодий, технологик ва инновацион платформага бирлаштириш орқали рақобатбардош, юқори қўшилган қийматли, экспортга йўналтирилган ва технологик мустақил тармоқни шакллантиришдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш орқали Ўзбекистон Мудофаа саноати импортга боғлиқликдан чиқиб, халқаро бозорда ўз ўрнини эгаллайди.

2.2-МОДДА. Асосий вазифалар

Уюшманинг асосий вазифаси:

- а) Ўзбекистон Республикасида Мудофаа саноатини ривожлантириш ва модернизация қилишни қўллаб-қувватлаш;
- б) Мудофаа саноати корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кластер тизимини шакллантириш;
- в) Мудофаа саноати соҳасида экспортни ривожлантириш, хорижий инвестиция ва технологияларни жалб қилишга қўмаклашиш;
- г) Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида Уюшма аъзолари манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилишни таъминлаш, шунингдек, Мудофаа саноати соҳасини ривожлантириш бўйича уларга таклифлар киритиш;
- д) Уюшма аъзолари фаолиятини қўллаб-қувватлаш;
- е) Мудофаа саноати салоҳиятини янада ривожлантириш истиқболларини ўрганиш, меҳнат ва бошқа ресурслар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда ёш кадрларни иш билан таъминланишига қўмаклашиш;
- ё) Мудофаа саноати соҳасининг ривожланишига ва Уюшма аъзоларнинг барқарор фаолият юритишига тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, мазкур соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш;
- ж) Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва стратегик шерикликни мустаҳкамлаш. Етакчи ва ривожланган хорижий давлатларнинг Мудофаа саноати соҳасида фаолият юритаётган давлат ва нодавлат идоралари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва Ўзбекистон Мудофаа саноати манфаатлари мақсадида қўшма лойиҳалар ва тадбирларни ташкил этиш.
- з) Мудофаа саноати соҳасидаги кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш;
- и) Давлат органлари билан ҳамкорликда Мудофаа саноатига оид норматив-ҳуқуқий база такомиллаштиришда иштирок этиш.

3-БОБ. УЮШМАГА АЪЗОЛИК

3.1-МОДДА. Аъзо бўлиш ҳуқуқига эга субъектлар

Қуйидаги субъектлар Уюшмага аъзо бўлиш ҳуқуқига эга (аъзолик ихтиёрий):

Мудофаа саноати корхоналари;

Ҳарбий-техникавий, жумладан икки мақсадли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар

Илмий-тадқиқот институтлари ва конструкторлик бюrolари;

Олий таълим муассасалари (технология ва Мудофаа йўналишлари);

Технологик стартаплар ва инновацион компаниялар;

Бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқарувчи корхоналар.

3.2-МОДДА. Аъзолик

Уюшма Устави ҳамда бошқа ички меъёрий ҳужжатларини эътироф этадиган, белгиланган бадалларни ўз вақтида тўлайдиган юридик шахслар Уюшма аъзолари бўлиши мумкин.

Юридик шахснинг ёзма аризаси, Уюшма аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги шартнома, кириш ва йиллик аъзолик бадали тўлови Уюшма аъзолигига қабул қилиш учун асос бўлади.

Аъзоликка кириш учун берилган ариза бир ой муддат давомида Уюшма Бошқарув раиси томонидан кўриб чиқилади ва кўриб чиқиш учун Умумий йиғилиш муҳокамасига қўйилади.

Умумий йиғилиш Бошқарув раисининг аъзоликка талабгор аризасига нисбатан ҳулосасини муҳокама қилади ва қабул қилиш ёки қилмаслик бўйича қарор қабул қилади.

Уюшма аъзолигига қабул қилишда ўзаро шартнома тузилади. Шартномада ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар, кириш ва йиллик аъзолик бадали миқдори, муддати, аъзоликдан чиқиш ва қайта кириш шартлари ҳамда бошқа зарурий масалалар кўрсатилган бўлади.

Аъзоликка қабул қилинган юридик шахсга махсус гувоҳнома берилади.

Уюшма аъзолари ўз аризаси билан ихтиёрий равишда ёки Устав талабларига риоя қилмаган, аъзолик бадалларини ўз вақтида шакллантирмаган ҳолда Умумий йиғилиш қарори билан аъзоликдан чиқарилади.

Уюшма аъзолигидан чиқариш асослар:

- амалдаги қонунчилик ва Уставда акс эттирилган мажбуриятларини қўпол равишда бузиш;

- уюшманинг бошқарув органи қарорларини бажармаслик;

- бир йил давомида аъзолик бадалларини тўламаслик.

Уюшма аъзолигидан чиқиш ёки чиқариш пайтида илгари тўланган аъзолик ва бошқа бадаллар қайтарилмайди.

3.3-МОДДА. Уюшма аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Конфиденциаллик режими

Уюшма аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Уюшма фаолияти ҳақида маълумот олиш;
- Уюшма бошқаруви органларига таклифлар киритиш ва уларнинг муҳокамасида иштирок этиш;
- Уюшманинг аниқ дастур ва лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этиш;
- Уюшманинг ахборот базаси маълумотларига кириш имконига эга бўлиш, илмий-услубий маълумотларидан фойдаланиш;
- Уюшма бошқаруви аъзоларини сайлаш;
- Уюшма фаолияти бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини киритиш, тегишли масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш;
- Уюшма фаолияти, унинг режа ва дастурлар ҳақидаги маълумотларни олиш;
- Уюшма бошқарув органларидан умумий йиғилиш қарорларининг бажарилиши ҳақидаги маълумотларни олиш;
- Уюшманинг хизматларидан бегараз фойдаланиш;
- Уюшма умумий ва навбатдан ташқари йиғилишлари кун тартибига таклифлар киритиш;
- Уюшма Бошқарувига унинг фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан муурожаат қилиш;
- Уюшма аъзолигидан исталган пайтда ўз ҳохиши билан чиқиш.

Аъзолар қуйидаги мажбуриятларни бажаради:

- Мазкур Устав ва ички ҳужжатларга риоя қилиш — барча ички регламентлар мажбурий;
- Белгиланган муддатларда аъзолик бадалини тўлаш — кечиктириш санкцияларга сабаб бўлади;
- Белгиланган муддатларда аъзолик бадалларини тўлаб бориш;
- Уюшма умумий йиғилиш қарорларини бажариш;
- Почта манзили, алоқа телефон рақамлари ўзгарганлиги ўз вақтида хабардор қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига, шунингдек ушбу Уставда ва бошқа таъсис ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларга риоя этиш;
- Ҳарбий-техникавий маълумотларни ҳимоя қилиш — қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик;
- Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини маълум қилиш — комплаенс қўмитасига ёзма;
- Миллий хавфсизлик талабларига риоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги.

3.4-МОДДА. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш

Аъзолар шахсий ёки корпоратив манфаатларини очик эълон қилиши шарт. Қарор қабул қилишда манфаатдор аъзо овоз беришда иштирок этмайди. Комплаенс қўмитаси назоратни мунтазам амалга оширади. Манфаатлар тўқнашуви реестри ҳар чоракда янгиланади.

4-БОБ. БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

4.1-МОДДА. Уюшманинг бошқарув тизими

4.1.1. Уюшманинг бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:

- Таъсисчиларнинг умумий йиғилиши – олий орган;
- Ижроия орган – Директор.

4.1.2. Ушбу бошқарув тизими стратегик ва операцион вазифаларни аниқ ажратиш, шунингдек ҳисобдорлик ва самарадорликни таъминлаш мақсадида жорий этилади.

4.2-МОДДА. Таъсисчиларнинг умумий йиғилиши

4.2.1. Таъсисчиларнинг умумий йиғилиши Уюшманинг олий бошқарув органи ҳисобланади.

4.2.2. Умумий йиғилиш Уюшманинг барча таъсисчиларидан иборат бўлади.

4.2.3. Умумий йиғилиш ҳар чоракда чақирилади, зарур ҳолларда навбатдан ташқари тарзда ўтказилиши мумкин. Умумий йиғилиш ваколатли ҳисобланиши учун кворум – таъсисчиларнинг камида учдан икки (2/3) қисми иштирок этиши лозим.

4.2.5. Қарорлар қуйидаги тартибда қабул қилинади:
оддий масалалар бўйича – оддий кўпчилик овоз билан;
стратегик аҳамиятга эга масалалар бўйича – камида учдан икки (2/3) овоз билан.

4.2.6. Умумий йиғилишнинг ваколатлари:
Уюшма фаолиятининг асосий йўналишларини аниқлаш, уларнинг бажарилиши ҳақида ҳисобот тўплаш ва режаларни тасдиқлаш;

Уюшма Таъсис хужжатларини тасдиқлаш ва унга ўзгартириш киритиш;

Уюшма Бошқарув раисини ҳамда унинг ўринбосарларини сайлаш ва лавозимидан озод қилиш;

Уюшма ижро органи – Директорини тайинлаш;

Уюшманинг ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш;

Уюшмага кириш ва аъзолик бадаллари миқдорини белгилаш, ўзгартириш;

Уюшманинг аудиторлари таркибини тасдиқлаш;

Уюшманинг йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия балансларини, ҳисоб варағини тасдиқлаш;

Уюшма йиллик фаолият натижаларини тасдиқлаш;

Уюшманинг йиллик харажатлар сметасини тасдиқлаш;

Қарор қабул қилинадиган кундан олдинги охирги ҳисобот даври учун бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланган Уюшма мол-мулки қийматининг ўн беш фоизидан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулкни уюшманинг олиши, тасарруфидан чиқариши ёки Уюшма бевосита ёхуд билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки ўзаро боғлиқ бир неча битим тузиш бўйича қарор қабул қилиш;

Уюшманинг филиаллари ва ваколатхоналари (тадбиркорлик субъектлари) ташкил этиш, тугатиш, уларнинг Низомларини тасдиқлаш;

Харажатлар сметасида белгиланган миқдоргача ҳомийлик ва беғараз ёрдамлар кўрсатиш;

Уюшмани қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Уюшмани тугатиш комиссиясини тайинлаш, оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш ҳамда тугатиш;

Уюшманинг бошқа муҳим масалаларини кўриб чиқиш ва қонунчиликда белгиланган бошқа ваколатлар.

4.2.7. Ҳисоботлар:

Бошқарув раиси Умумий йиғилишга Уюшманинг стратегик фаолияти бўйича ҳисобот тақдим этади;

Директор Умумий йиғилишга молиявий ва операцион фаолият бўйича йиллик ҳисобот тақдим этади.

4.3-МОДДА. Уюшманинг стратегик бошқарув органи

4.3.1. Бошқарув раиси – Уюшманинг стратегик бошқарувини амалга оширувчи шахс ҳисобланади.

4.3.2. Бошқарув раиси Таъсисчиларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) йил муддатга тайинланади ва қайта тайинланиши мумкин.

4.3.3. Бошқарув раисининг асосий ваколатлари:

Уюшманинг ривожланиш стратегиясини белгилаш;

Уюшма Директори билан меҳнат шартномасини тузиш, бекор қилиш (Таъсисчилар қарорига асосан) ва унинг фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

Давлат органлари, инвесторлар ва бошқа ташкилотлар билан юқори даражадаги муносабатларни юритиш;

Уюшманинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

Умумий йиғилишга ҳисобот тақдим этиш.

4.4-МОДДА. Уюшманинг Ижроия органи

4.4.1. Директор – Уюшманинг ижроия органи ҳисобланади.

4.4.2. Директор Таъсисчиларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра 3 (уч) йил муддатга тайинланади ва қайта тайинланиши мумкин.

4.4.3. Директорнинг асосий ваколатлари:

Уюшманинг кундалик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш;

Уюшма номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

Хўжалик шартномаларини тузиш ва Уюшма номидан учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш;

Уюшманинг штат тузилмаси ишлаб чиқиш, штат тузилмасини шакллантириш ва уни тасдиқлаш учун Бошқарув раисига киритиш;

ходимларни ишга қабул қилиш ва озод қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;

меҳнат ва ижро интизомини таъминлаш;

молиявий операцияларни белгиланган тартибда амалга ошириш;

банк ҳисоб рақамларини очиш ва молиявий ҳужжатларда биринчи имзо ҳуқуқига эга бўлиш;

Бошқарув раисига ва Умумий йиғилишга ҳисобот тақдим этиш.

Қонунчиликда белгиланган бошқа ваколатлар.

4.4.4. Ҳисобдорлик:

Директор ўз фаолияти юзасидан Бошқарув раисига мунтазам равишда (ойлик, чораклик) ҳисобот беради;

Чорак ва йиллик ҳисобот Умумий йиғилишга тақдим этилади.

4.5-МОДДА. Уюшманинг бўлинмалари

4.5.1. Уюшманинг функционал бўлинмалари Директорга бўйсунди.

4.5.2. Бўлинмалар Уюшманинг асосий фаолият йўналишлари бўйича ташкил этилади.

4.5.3. Асосий бўлинмалар:

стратегик ривожланиш бўлими;

инвестиция ва молия бўлими;

экспорт ва халқаро ҳамкорлик бўлими;

ҳуқуқий ва комплаенс хизмати.

4.5.4. Бўлинмаларнинг вазифалари, функциялари ва ваколатлари ички низомлар билан белгиланади.

5-БОБ. МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ

5.1-МОДДА. Молиялаштириш манбалари

Нодавлат нотижорат ташкилотининг мол-мулкани шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- кириш ва аъзолик бадаллари;

- муассислардан, аъзолардан бир маротаба ва мунтазам равишда келадиган тушумлар;

- чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан олинadиган пул маблағлари ва мол-мулк;

- ихтиёрий мулкӣ бадаллар ва эҳсонлар;

- Устав мақсадлари учун ишлатиладиган даромадлар (фойда);

- қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа тушумлар.

5.2-МОДДА. Кириш ва аъзолик бадали тизими

Кириш ва аъзолик бадали тизими шаффофлик ва адолат принципи асосида қурилади.

Аъзолик бадали ҳар 2 йилда Умумий йиғилишда қайта кўриб чиқилади.

5.3-МОДДА. Молиявий назорат тизими

Ички аудит хизмати: ҳар йили молиявий текширув, ҳар чоракда қисқа ҳисобот;

Ташқи аудит: мустақил аудиторлик ташкилоти, йилда 1 марта;

Директор: чоракда ва йилда Таъсисчилар умумий йиғилишига ҳисобот;

6-БОБ. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ВА МАХФИЙЛИК

6.1-МОДДА. Интеллектуал мулк тамойиллари

Уюшма аъзолар томонидан биргаликда яратилган интеллектуал мулк объектлари Уюшма томонидан бошқарилади ва аъзолар манфаатида фойдаланилади;

Ҳар бир аъзонинг аввалдан мавжуд интеллектуал мулки унга тегишлилигича қолади;

Биргаликда яратилган натижалар: улушга мутаносиб тақсимлаш тамойили;

Патент ва ноу-хауни рўйхатдан ўтказиш Уюшма томонидан қўллаб-қувватланади.

6.2-МОДДА. Махфийлик режими

Аъзолар ҳарбий-техникавий маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этмаслик мажбуриятини олади;

Маълумотлар билан ишлаш лицензияланган тартибда амалга оширилади;

Махфийлик мажбурияти аъзоликдан кейин 7 йил мобайнида кучда қолади;

Бузилган тақдирда – қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик, Уюшмадан чиқариш.

7-БОБ. ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

Уюшмани қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор Умумий йиғилишда тўлиқ аъзоларнинг камида 3/4 овози билан қабул қилинади ёки суд тартибида амалга оширилади.

Тугатиш жараёнида Уюшманинг мол-мулки ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ тартибга солинади. Тугатиш комиссияси таркибига давлат вакили, Уюшма аъзолари (2 киши) ва мустақил аудитор киради. Тугатиш жараёни барча аъзоларга ёзма хабар бериш орқали бошланади ва қонунда белгиланган муддатларда якунланади.